

ШАРТНОМА

(пудрат ҳақида)

2022 йил “30” 11

1503 -сон

Наманган шаҳри

“TRANS-SHIT ENERGO SERVIS” МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи директори А.Умархонов (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилиб) бир тарафдан ва “Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи бош директор А.Карабаев (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилиб) иккинчи тарафдан мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Пудратчи” мазкур шартноманинг шартларига биноан “Наманган” ЭИЗ Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани “Ибрат” массивининг ташқи электр таъминоти учун 1 комплект 110/35/10 кВли қуввати 2 x 40000 МВа бўлган подстанция қуриб, ишга тушириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса бажарилган ишларни тўловини ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ

- 2.1. Шартнома баҳоси ва бажариладиган ишлар миқдори смета ҳужжатларида белгиланади.
- 2.2. Бажариладиган ишлар суммаси сметага асосан **41 675 000 000 (Қирқ бир миллиард олти юз етмиш беш миллион) сўм** деб шундан, **10 000 000 000 (ўн миллиард)** ҳажмдаги ишларни **31.12.2022 йилга қадар** бажарилиши белгилаб қўйилсин.
- 2.2. Бажариладиган ишларнинг якуний баҳоси ҳақиқий бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб, томонларнинг имзоси билан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси (форма-2) ва бажарилган ишлар қиймати бўйича ҳисоб-фактура (форма-3), шунингдек техник характердаги ижро ҳужжатлари ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида аниқланади.
- 2.3. Шу билан бирга, лойиха-смета ҳужжатларини тузишда ҳисобга олинмаган қўшимча иш ҳажмлари қўшимча келишув асосида амалга оширилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 3.1. Шартнома бўйича ҳисоб китоблар миллий валютада, яъни “сўмда” амалга оширилади.
- 3.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га ушбу шартнома имзоланган кундан эътиборан **10 (ўн) банк иш куни** ичида шартномада белгиланган умумий сумманинг 15 фоизи миқдорда олдиндан тўловни амалга оширади.
- 3.3. “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасидаги шартномада белгиланган тўлов қийматининг қолган 80 фоизи, шартноманинг 2.2 бандида белгиланган ҳужжатлар топширилгандан кундан бошлаб 90 иш куни мобайнида амалга оширилади. Қолган 5 фоиз миқдордаги маблағ топшириш-қабул қилиш ишлари амалга оширилгандан кейин, кафолат муддати тугагандан сўнг амалга оширилиши мумкин.
- 3.4. Тарафларнинг келишувига асосан мазкур шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда, “Пудратчи” тугалланмаган объектни 5 кун ичида “Буюртмачи”га топширади. “Буюртмачи” бажарилган ишлар қисми бўйича тўловни “Пудратчи”га 5 иш куни ичида тўлайди.
- 3.5. “Буюртмачи” бажарилган ишлар учун тўловни ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва шартларда амалга оширмаган тақдирда, “Пудратчи” қарздорликни суд тартибида ундириб олашга ҳақли.
- 3.6. **Томонлардан бири** мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 90 (тўқсон) кун мобайнида бажармаган тақдирда, “**Иккинчи томон**” шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.
- 3.7. Пудратчининг бошқа харажатлари, ишчиларнинг иш ҳаққи, машина механизмларнинг нархи, транспорт ва тайёрлов омбор харажатлари томонларнинг имзолаган баённомаси асосида қабул қилинади.

IV. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 4.1. Шартнома томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга эга бўлади.
- 4.2. “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 3.2-бандида белгиланган олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, “Пудратчи” шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган ишларни бажаришга киришади.
- 4.2. Мазкур шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддати шартномада белгиланган олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 90 иш кунни ташкил этади.

V. ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

5.1. Қурилиши яқунланган объектни топшириш **“Пудратчи”** томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 555-сонли қарори билан тасдиқланган **“Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти”** асосида амалга оширилади.

5.2. Қурилиши яқунланган объектни топшириш **“Буюртмачи”** ва **“Пудратчи”** томонидан имзоланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида амалга оширилади.

5.3. **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”** дан ушбу шартнома бўйича бажарилган ишлар натижаси топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган кундан дарҳол уни қабул қилиб олиш ишларини ташкиллаштириб, 5 (беш) календарь куни давомида бажарилган ишни (унинг натижасини) **“Ёрдамчи пудратчи”** иштирокида кўриб чиқади ва қабул қилади ёки иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрисида **“Пудратчи”** га дарҳол маълум қилади.

5.4. Ишларни кафолат муддати томонлар ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланди.

5.5. Кафолат даврида электр қурилмалари бузилган тақдирда уларни алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёсловидан ўтказиш ва қайта ўрнатиш харажатлари айбдор томонидан қопланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. **“Пудратчи”**нинг ҳуқуқлари:

- а) Лойихада кўзда тутилган бажарилган ишлар учун тўловларни талаб қилиш;
- б) электр қурилмаларини тармоққа улаш учун зарур шароитларни яратиб беришни **“Буюртмачи”**дан талаб қилиш;
- в) ишларни бажариш жараёнида субпудрат асосида қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш учун ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиш.

6.2. **“Пудратчи”**нинг мажбуриятлари:

- а) **“Буюртмачи”**ни пудрат шартномалари тузилиши давомида Субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома предмети, Субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- б) ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;
- в) **“Буюртмачи”**нинг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиш;
- г) **“Пудратчи”** томонидан объектни электр тармоқларига улаш ишларида қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар сифати, лойиха ҳужжатларида кўрсатилган қурилмаларини лойихага мослиги спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди;
- д) **“Буюртмачи”**га ижро ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда тақдим этиш (яширин ишлар учун далолатномалар, ижро схемалари, лаборатория синовлари, қурилиш материаллари учун сифат сертификатлари), белгиланган тартибда расмийлаштириш ва **“Буюртмачи”**га бажарилган ишларнинг барча далолатномаларини иш яқунлари бўйича тақдим этиш.
- е) Бажарилган ишларда аниқланган ва йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни қурилиш ишларини қабул қилиш пайтида, шунингдек кафолат муддати давомида бартараф этишга, аниқланган камчиликлар, нуқсонлар далолатнома билан расмийлаштирилади, унга кўра, **“Пудратчи”** ўз маблағлари ҳисобидан далолатномада белгиланган муддатда уларни бартараф этиш мажбуриятини олади.

ж) **“Буюртмачи”** **“Ўзэнергоинспекция”**нинг худудий бўлинмасига объектнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида хабарнома юбориш;

6.3. **“Буюртмачи”**нинг ҳуқуқлари:

- а) мазкур шартномага асосан **“Пудратчи”**дан объектни шартномада белгиланган муддатларда топширишни талаб қилиш;
- б) **“Пудратчи”**дан бажарилган ишлар бўйича аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф қилишни талаб қилиш;
- в) бажарилган ишларни барча турлари билан танишиш ва ишларнинг сифати устидан техник назоратни амалга ошириш учун техник аудитор ёллаш;

6.4. **“Буюртмачи”**нинг мажбуриятлари:

- а) мазкур шартномада назарда тутилган муддатларда **“Пудратчи”** томонидан бажарилган ишлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширади.
- б) **“Пудратчи”**га ишларни бажариш учун зарур шароитларни яратиб беради.
- в) **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”**дан бажарилган ишлар натижасини топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган кундан дарҳол уни қабул қилиб олиш ишларини ташкиллаштириб, 5 (беш) календарь куни давомида бажарилган ишни (унинг натижасини) **“Пудратчи”** иштирокида кўриб чиқади ва қабул қилади ёки иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки

бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида “Пудратчи”га 5 (беш) иш куни мобайнида маълум қилади;

г) объект курилиши учун доимий ва вақтинча фойдаланиш учун ер мойдони лойихага мувофик ажратиб беради, экин майдонларига кириш учун рухсатнома олиб беради ва АРТ, ковлаш рухсатнома хужжатларини, ободонлаштириш ишларини амалга оширади;

д) шартномада кўрсатилган ишларни бажариш даврида мавжуд элетр тармоқларини ўчириб беради;

е) шартнома имзолангандан сўнг 10 кун ичида бажарилган ишларни қабул қилиш учун керак бўлган ижрочи хужжатлар рўйхатини беради.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарар миқдорини қоплайди.

7.2. Мазкур шартнома бўйича бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилмаганда ёки ўз вақтида амалга оширилмаганда “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасидан 0,01 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пеня кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоиздан ошмаслиги керак.

7.3. “Пудратчи” шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганда, ёки лозим даражада бажармаганда, мажбуриятлар бажарилиши кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,01 фоиз миқдориди “Буюртмачи”га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган мажбуриятлар қийматининг 10 фоиздан ошмаслиги керак.

7.4. Неустойкани тўлаш тарафларни бир-бирига етказилган зарар ва бой берилган фойдани қоплашдан ҳамда шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

VIII. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномани ўзгартириш ва бекор қилишни мазкур шартномада назарда тутилган ҳолларда ва амалдаги қонунчилик асосида амалга оширади.

8.2. Мазкур шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга қарор қилган тараф, бу ҳақда қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда иккинчи тарафга билдиришнома юбориши шарт.

8.3. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Қонун хужжатларида ёки мазкур шартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8.4. Ушбу шартнома имзолангандан сўнг томонлар ўртасида мазкур шартномага алоқадор барча олдинги ёзма ва оғзаки келишувлар, ёзишмалар ва бошқа келишувлар ўз кучини йўқотади.

IX. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) тўғрисида мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

Содир бўлган форс-мажор ҳолатлари тўғрисида тарафлар бир – бирларини ушбу ҳолатлар юз берган ҳолда зудлик билан иккинчи тарафга хабар бериши шарт.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини давомийлигини ҳисобга олиб шартномани амал қилиш муддатини узайтиришлари мумкин.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

10.2. Мазкур шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда тузилиб, тарафлар имзолаган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Шартнома томонлар имзолаган кундан эътиборан қонуний кучга киради ва 2023 йил «31» декабр гача амал қилади.

10.4. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, коюдага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

10.5 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонунчилик тартибидида ҳал этилади.

XI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

11.1. Тарафлар, мазкур шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб, ўзлари, вакиллари, ходимлари, уларнинг назорати остидаги ёки таъсир кўрсатадиган бошқа шахслар томонидан келажакда, ушбу шартномани тузиш ҳамда бажариш билан боғлиқ ҳар қандай турдаги ноқонуний пул ва бошқа имтиёزلарни таклиф, талаб қилмасликларини, шунингдек қабул қилмасликларини кафолатлайдилар.

11.2. Тарафлар ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйида келтирилган қоидаларга риоя қилишлари ва ўз вакиллари, ходимлари ва уларнинг назорати остидаги ёки таъсир кўрсатадиган бошқа учинчи шахслар томонидан мазкур қоидаларга амал қилиниши борасида оқилона чоралар кўриш мажбуриятини оладилар.

11.3. Тарафлар шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйидаги ҳаракатларни ўзлари, шу жумладан учинчи шахслар орқали ҳеч қандай шаклда амалга оширмасликни ўз зиммаларига оладилар.

а) порахўрлик–тижорат ёки бошқа турдаги ноқонуний устунликни олиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқорида қайд этилган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан қонунга хилоф равишда мулкий фойда олиш, бериш, ўтказиш, рухсат бериш;

б) пора талаб қилиш ёки пора беришга ундаш-рад этилган тақдирда таҳдид билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган пора талаби;

в) ваколатларни суистеъмол қилиш-тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини бажарувчи шахс ўз ваколатларини ушбу ташкилотнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзи ёки бошқалар фойда олиши ёки зарар етказиш мақсадида ишлатиши;

г) Юқорида айтиб ўтилган коррупция амалиётидан тушган даромадларни легаллаштириш, жиноий келиб чиқиши, манбаси, жойлашган жойи, тасарруф этиш усули, кўчириш ёки мулкка эгаллик қилишини яшириш, агар бундай мулк жиноятлардан олинган даромад эканлиги маълум бўлса;

д) Ушбу шартнома тарафлари амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини бузадиган бошқа ҳаракатларни содир этган тақдирда, тегишли тараф зудлик билан бошқа тарафни Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча таъқиқлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

11.4. Коррупцияга оид ҳар бир ҳолат юзасидан тегишли тарафни зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши, ташкилотда ишбилармонлик этикаси қоидаларига риоя қилиш, муросасизликни тарғиб қилиши шарт.

11.5. Тарафлар шартномани тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши учун асос ушбу шартноманинг 11.3-бандида кўрсатилган ҳолатлар суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланган бўлиши шартлиги тўғрисида келишиб олдилар.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ПУДРАТЧИ:

“TRANS-SHIT ENERGO SERVIS” МЧЖ

Манзил: Наманган шаҳар,
Саноатчи 40 уй

Х/р 20208000200242829001

«Инфин банк Наманган филиали

МФО: 01113 ИНН: 302597054

Код 314010017968



А.Умарханов

БУЮРТМАЧИ:

“Наманган ХЭТК” АЖ

Манзили: Наманган ш. Марғилон кўча
8-уй, Х/Р:2021 0000 5005 1005 8001,
АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Наманган
филиали, МФО:00440, ИНН:200048685
ОКЭД 35120 Код НДС: 314010005779



А.Карабаев